XALQ DEPUTATLARI PAXTAKOR TUMANI KENGASH
QARORI

2021 - yil 4 - dekabr VI-30-78-3-52-K/21 Paxtakor tuman hokimligi

ЛОЙИҲА

Пахтакор туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар ҳамда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддаси ҳамда 437-моддаларига асосан 2022 йил учун Пахтакор туманида белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларни мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ Пахтакор тумани учун белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) бўйича мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бунда, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари, юқорида 1-2-иловалар билан белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шодмонов, туман ҳокимлиги молия бўлими А.Мелибоев, туман давлат солиқ инспекцияси А.Эргашевларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор “Пахтакор ҳаёти” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг paxtakor.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Қарор 2022 йил 1 январидан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шодмонов зиммасига юклатилсин.

Sessiya raisi **Karimov S. S.**

Халқ депутатлари Пахтакор туман
Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
VI-30-78-3-52-K/21-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффифентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Коэффицент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (млн.сўмда)
1	*2*	*3*	*4*
1	**Боғишамол ҚФЙ**	1,0	33 350,0
2	**Буюк ипак йўли ҚФЙ**	0,9	30 015,0
3	**Дилором МФЙ**	1,1	36 685,0
4	**Дўстлик МФЙ**	1,1	36 685,0
5	**Мингчинор ҚФЙ**	0,9	30 015,0
6	**Нурли Пангат ҚФЙ**	1,0	33 350,0
7	**Олмазор ҚФЙ**	1,0	33 350,0
	шундан Қозоқовул қишлоқ	*0,9*	30 015,0
8	**Олтинкўл МФЙ**	1,1	36 685,0
9	**Оқбулоқ ҚФЙ**	1,0	33 350,0
	шундан Шоди қишлоқ	*0,9*	30 015,0
10	**Пахтакор ҚФЙ**	1,0	33 350,0
	шундан Наврўз қўрғони	*0,9*	30 015,0
11	**Самарқанд МФЙ**	1,1	36 685,0
12	**Сувонобод МФЙ**	1,0	33 350,0
13	**Тошкент МФЙ**	1,1	36 685,0
14	**Чаманзор ҚФЙ**	1,0	33 350,0
15	**Ғалаба МФЙ**	1,1	36 685,0

Халқ депутатлари Пахтакор туман
Кенгашининг
2021 йил 4 декабрдаги
VI-30-78-3-52-K/21-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффифентлар

Т/Р	Ҳудудлар номи	Коэффицент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
1	*2*	*3*	*4*
1	**Боғишамол ҚФЙ**	1,1	328,9
2	**Буюк ипак йўли ҚФЙ**	1,0	299,0
3	**Дилором МФЙ**	1,1	328,9
4	**Дўстлик МФЙ**	1,1	328,9
5	**Мингчинор ҚФЙ**	1,0	299,0
6	**Нурли Пангат ҚФЙ**	1,1	328,9
7	**Олмазор ҚФЙ**	1,1	328,9
	шундан Қозоқовул қишлоқ	*1,0*	299,0
8	**Олтинкўл МФЙ**	1,1	328,9
9	**Оқбулоқ ҚФЙ**	1,1	328,9
	шундан Шоди қишлоқ	*1,0*	299,0
10	**Пахтакор ҚФЙ**	1,1	328,9
	шундан Наврўз қўрғони	*1,0*	299,0
11	**Самарқанд МФЙ**	1,1	328,9
12	**Сувонобод МФЙ**	1,1	328,9
13	**Тошкент МФЙ**	1,1	328,9
14	**Чаманзор ҚФЙ**	1,1	328,9
15	**Ғалаба МФЙ**	1,1	328,9